ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

# ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

# SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

**2020/ №5(49)**

Андижон
2020 йил

**Муассис:**

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

**ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.**
**Серия: Гуманитар тадқиқотлар**

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

**Таҳририят манзили:**
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

**Таҳрир ҳайъати раиси:**
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

**Фалсафа**
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

**Тарих**
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

**Адабиётшунослик**
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

**Тилшунослик**
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

**Муҳаррир:**
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

# МУНДАРИЖА

## ФАЛСАФА

**М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА**
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида .....5

**Г.Т.МАҲМУДОВА**
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси .....10

**А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ**
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

## ТАРИХ

**М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ**
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

**Г.Б.НОРМУРОДОВА**
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида .....33

**А.МАМАЖОНОВ**
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

**Н.Б.КОМИЛОВ**
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари .....47

**М.Ҳ.ҒОЗИЕВ**
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

**А.А.АБДУХАЛИМОВ**
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Д.Ч.ИГАМУРАТОВА**
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

**Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА**
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни .....76

## ТИЛШУНОСЛИК

**Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА**
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари .....84

**Н.Д.ШИРИНОВА**
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар .....93

**Г.З.РОЗИҚОВА**
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

**Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ**
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

**Ш.М.СУЛТОНОВА**
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

**Д.А.РУСТАМОВ**
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

**Д.Н.САТИМОВА**
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили .....130

**Н.Р.АМОНТУРДИЕВ**
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили .....138

**D.A.SOBIROVA**
Bolalar she'riyatida alliteratsiya .....145

# CONTENTS


## PHILOSOPHY

**M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA**
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy ..... 5

**G.T.MAKHMUDOVA**
From education to worldview is a paradigm of social development ..... 10

**A.A.EGAMBERDIEV**
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

## HISTORY

**M.G.ABDULLAEV**
Chronology and metrology in «Babur-name» ..... 25

**G.B.NORMURODOVA**
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity ..... 33

**A.MAMAJONOV**
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe ..... 40

**N.B.KOMILOV**
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov ..... 47

**M.H.GOZIEV**
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) ..... 55

**A.A.ABDUKHALIMOV**
Secondary schools in the villages of the fergana valley ..... 61

## LITERARY STUDIES

**D.Ch.IGAMURATOVA**
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» ..... 68

**N.X.SHARAFIDDINOVA**
Components and the place of rhithm-phonetic figures ..... 76

## LINGUISTICS

**Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA**
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence ..... 84

**N.D.SHIRINOVA**
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

**G.Z.ROZIKOVA**
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari ..... 102

**O'.H.ISLAMOV**
The factors creating eloquent speech ..... 109

**SH.M.SULTANOVA**
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units ..... 115

**D.A.RUSTAMOV**
Language value and the communication process ..... 122

**D.N.SATIMOVA**
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

**N.R.AMONTURDIEV**
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language ..... 138

**D.A.SOBIROVA**
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 378.1:141.7

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

**А.А.Эгамбердиев**

*Мақолада Ўзбекистонда олий таълим трансформациясининг фалсафий муаммолари ҳақида фикр юритилган. Олий таълим тизимининг ижтимоий тараққиётдаги ўрни, бу борада ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган изланишлар таҳлил қилинади. Таълим парадигмасининг мураккаб қирралари – таълимдаги ислоҳотлар, таълимнинг функциялари, ҳозирги кундаги неолиберализм ва олий таълимни монетизация қилиш оқибатлари хусусида сўз юритилиб, Ўзбекистондаги олий таълим трансформациясининг асосий йўналишлари ҳақида хулосалар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *олий таълим, трансформация, тараққиёт, неолиберализм, консерватизм, менталитет, монетизация.*

*В статье обсуждаются философские вопросы трансформации высшего образования Республики Узбекистан. Рассматривается место системы высшего образования в социальном развитии, анализируются работы узбекских и зарубежных ученых по данному вопросу. Также говорится о таких сложных моментах образовательной парадигмы, как образовательные реформы, функции образования, неолиберализм в современности, последствия монетизации образования. Сделаны научные выводы об основных направлениях трансформации высшего образования страны.*

***Ключевые слова:*** *высшее образование, трансформация, прогресс, неолиберализм, консерватизм, менталитет, монетизация.*

Олий таълим давлат ва жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган институтдир. Шу нуқтаи назардан ҳам бутун дунёда мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши олий таълим муассасаларининг малакали кадрлар тайёрлашига боғлиқ эканлиги эътироф этилади. Олий маълумотли кадрларнинг билим даражаси ҳозирги кундаги глобал муаммолар ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида вужудга келаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган омилларни ўз вақтида ҳал этишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий таълим тизимининг трансформациясига алоҳида эътибор қаратмоқда: «Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамиз.

Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини-ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз» [1].

Юқоридаги қайд этиб ўтилган йўналишлар мамлакатда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий жиҳатлари сифатида белгилаб олинди. Тизимдаги ўзгаришларни амалга оширишда қўлланиладиган технологиялар ва уларнинг манбалари аниқланиб, бу борадаги сиёсат қатъий йўналиш сифатида шаклланмоқда. Давлат раҳбари томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун алоҳида стратегия ва уни бажариш бўйича йўл харитаси қабул қилинди. Ҳукуматнинг қатор қарорлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича давлат дастурида ҳам олий таълимни трансформация қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди [2].

Олий таълимга эга бўлиш тарихий нуқтаи назардан юксак ижтимоий мақомни англатган. Масалан, қадимда «мадраса кўрган» ибораси юксак интеллект ва билим тушунчалари билан синоним тарзда ишлатилганлиги маълум. Бундан юз йиллар аввал университет дипломига эга бўлиш нафақат жамиятнинг эътирофи, балки шахснинг

умрбод маълум бир касбда барқарор фаолият кўрсатишини ҳам кафолатлар эди. Шунинг учун ҳам биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси, шифокори ва инженерлари ким эканлиги ҳақида алоҳида илмий тадқиқотлар ўтказилган ва ушбу инсонлар маълум маънода миллий тарихимизнинг бир бўлагига айланди [3]. Эндиликда жаҳон миқёсида олий маълумотли бўлиш инсон ҳаётида муҳим роль ўйнамайдиган, маиший даражадаги бир жараёнга айланиб бормоқда. Биринчидан, олий таълим олиш имкониятлари кенгаяётган бўлса, иккинчидан, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги жадал ўзгаришлар натижасида олинган олий маълумотлилик тушунчаси маълум бир маънода эскирмоқда ва шахсдан умри давомида ўқиш ва ўрганишни талаб қилмоқда. Эндиликда нафақат шахс ва жамият ривожи учун, балки унинг хавфсизлиги учун ҳам мунтазам билим олиш талаб қилинмоқда. 2020 йилда дунё миқёсида тарқалган COVID-19 пандемияси қаршисида инсониятнинг мавжуд билимлари етарли бўлмай қолди [4]. Эндиликда нафақат шифокорлар, микробиолог ва эпидемиологлар, балки барча касблар ҳам ўз фаолиятига бошқача қараши зарурлиги янада очиқ кўриниб қолди. Шу билан бирга пандемия олий таълим тизимидаги ўзгаришларга жуда катта туртки берди ва ундаги трансформацияни мисли кўрилмаган даражада тезлатиб юборди. Бу эса олий таълимда ўн йиллар давомида амалга ошган ўзгаришларни бир-икки йилда кузатиш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси жамият ҳаётининг бошқа соҳалари каби олий таълим тизими ҳам трансформация қилиниши, мавжуд жараёнларга тезкор жавоб қайта оладиган ҳолатга келиши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Таълимнинг гносеологик моҳияти нимадан иборат? Ҳозирги глобаллашув ва кенг қамровли хавф-хатарлар шароитида ушбу ижтимоий институтдан нималарни кутиш мумкин? Бу саволларга жавоб беришдан аввал таълимнинг фалсафий мазмунини кўриб чиқсак.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да таълим тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: «Таълим арабча ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот. 1. Билим бериш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси... 2. Илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи» [5. Б. 27]. Инсоният цивилизацияси тўплаган маълумот, билим, кўникма ва малаканинг қадри ва қиммати унинг яшовчанлиги билан ўлчанади, яъни мавжуд маънавий бойликни сақлаш ва ривожлантиришнинг асосий шарти – унинг ворисийлигини таъминлашдир. Эмпирик ва назарий, илмий ва фалсафий, маънавий ва диний соҳада қўлга киритилган натижаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг ягона йўли – уни таълим жараёни объектига айлантиришдир. Қўлга киритилган билимни келгуси авлод таълим воситасида ўзлаштиради ва ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, уни амалиётга қўллайди.Таълим ҳозирги кунда глобал, универсал ва аксарият ҳолларда имкон доирасидаги ижтимоий неъматга айланиб улгурди. Бу ҳар бир инсоннинг таълим олишга бўлган интилишини қондириш учун тарихдаги энг яхши имкониятни тақдим этмоқда. Бу эса инсон яралганидан буён таълим олиш учун тарихда ҳозиргичалик шарт-шароит бўлмаганини англатади. Саноат инқилоби ва глобал миқёсдаги ижтимоий ҳаракатлар натижасида маълум бир билим ва кўникмаларга эга бир турдаги кадрларни тайёрлаш эҳтиёжини вужудга келтириб, оммавий саводхонлик ва сифатли таълимни таъминлаган бўлса, эндиликда интернет технологияларининг ривожланиши таълим олиш учун кетадиган моддий харажатларни янада камайтириб юборди. Эндиликда дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари профессорларининг маърузаларини тинглаб, олийгоҳларнинг кутубхоналаридан бепул фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда [6]. Буларнинг барчаси таълим жараёнининг мазмуни ўзгармаган ҳолда шакли ўзгараётганини, унга етишиш осон бўлаётганини кўрсатади.

«Таълим»нинг эквиваленти «образование» сўзи тушунчани қамраб олишда деталлашган тарзда намоён бўлади. В.И.Далнинг луғатида таълим (образование) «образ» сўзидан келиб чиққанлиги ва маълум бир образ, шаклга эга бўлмаган нарсанинг шаклланишига, образга эга бўлишига нисбатан ишлатилади [7. Б. 613 – 614]. Таълим жараёни объекти бўлган маълумот, билим, кўникма ва малака то таълим жараёни субъекти бўлган ўқувчи ёки талаба томонидан эгаллангунга қадар мавҳум бир ҳолатда туради. Унинг шаклга келиши ва ижтимоий қолиплар асосида моддийлашуви таълим жараёнининг натижасидир. Бу ўринда олий таълим аввалдан мавжуд бўлган билимларнинг тайёр нусхасини талабага етказиб берувчи эмас, балки мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, уни қайта ишлаб, ривожлантириб талабага ҳавола этиши зарур. Бунда талаба ҳам билимнинг мукаммал формасини ўзлаштириб олмаётганини тўлиқ тушуниб етиши керак, чунки у томонидан олинган билимлар тезда эскириши, янгиланишга муҳтож бўлиши мумкин. Бу эса таълимнинг анънавий институтлари билан бирга нисбатан янги бўлган ижтимоий муассасалар – виртуал университетлар, онлайн курслар ва бошқалар орқали локал тарзда билим олиш имкониятини яратиб беради.

Инглиз тилидаги «education» сўзи этимологиясига эътибор берсак, болани тарбиялаш, ўқитиш

маъносини беради [8]. Бу ерда борлиқни англаш жараёнида таълимнинг ўрни билан бирга ижтимоийлаштириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Тарбия маълум бир маънода жамият тутумларига нисбатан таълим субъектининг тўғри ориентациясини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир. Бунда аввалдан мавжуд қоидаларни ўзлаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Олий таълим тизимидаги энг мураккаб масалалардан бири ҳам олий таълимдаги тарбия жараёнини ташкил қилишдир. Маълумки, прагматик ёндашув ҳам олий таълимга нисбатан неолиберал сиёсат натижасида шаклланган парадокс – ўқув режа кадрлар буюртмачиси томонидан, шартнома ОТМ томонидан тақдим этилади. Кадрлар буюртмачиси, яъни ўта умумийлаштирилган ҳолда ота-она университетда тарбияга оид билимларни беришдаги моддий томонларни кўпроқ ўйлайди. Чунки ҳар бир ўтилган машғулот охир-оқибат шартнома нархида намоён бўлиб бораверади. Бу эса келгусида олий ўқув юртидаги тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълимнинг, хусусан, олий таълимнинг ижтимоий тараққиётга детерминант таъсири жуда кўп олимларнинг бу борадаги тадқиқотларига асос бўлган. Ушбу илмий тадқиқотларнинг шакли турлича бўлиб, бу манбалар диссертация, монография, ўқув қўлланмалар, илмий мақола ва тезислар шаклида расмийлаштирилган. Биз уларни ўрганиш жараёнида шаклига эмас, балки уларда илгари сурилган ғоялар ва муаммоларнинг мазмунидан келиб чиқиб, яъни ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, уларни ҳал қилишга қаратилган интилишларни эътиборга олган ҳолда классификация қилишга қарор қилдик.

Муаммони ўрганишда Ўзбекистондаги яратилган олий таълим жараёнлари тадқиқига бағишланган асарлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу манбалар нафақат фалсафа, балки педагогика, тарих ва иқтисодиёт фанлари доирасидаги илмий ишлардир. Фалсафанинг фанлараро интеграцион функциясидан келиб чиқиб, ушбу манбаларга ҳам мурожаат қилиш мумкин.

«Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш йўли» мавзусидаги докторлик диссертациясида олий таълим ривожининг нисбатан янги тенденциялари ҳақида фикр юритилади [9. Б. 134]. Қайд этиб ўтиш керакки, дунё миқёсида олий таълим муассасалари фаолияти хилма-хил бўлганидек, уни илмий жиҳатдан ўрганишда ҳам умумий концепциялар шаклланмаган. Ҳар бир минтақанинг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароити ва сиёсий тузумига қараб олий таълим муассасалари фаолияти тарихан таркиб топган. Тадқиқотчининг фикрича,«Ўзбекистон Республикаси олий таълими ҳам халқаролашув жараёнларига фаол кириб келмоқда. Халқаро ҳамкорлик, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва тажриба алмашинув бўйича эришилаётган кўрсаткичлар, мамлакатимизда хорижий ОТМ филиалларининг кўпайиши бунга мисол бўла олади» [9. Б.134]. Ўзбекистонда олий таълим тизими трансформациясининг энг муҳим жиҳати сифатида халқаролашув жараёни қайд этилган. Жаҳон миқёсида олий таълим трансформацияси моделлари турличадир. Уларнинг ҳар бирини ислоҳотлар жараёнига ёппасига татбиқ қилиш, демакки, ижтимоий эксперимент қилиш қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ОТМ ўзининг мавжуд имкониятлари, бўлажак мутахассисларга бериладиган компетенциянинг мазмунидан келиб чиқиб, халқаро жараёнларга қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Хорижий ОТМ филиали, қўшма факультет ва қўшма дастур шаклидаги халқаролашув мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда чет эл тажрибасини амалиётда синашга имкон бериши мумкин.

Тадқиқотчи яна бир муҳим масалага эътибор қаратади: «Академик стандартларда кўпроқ ўрин танлов фанларга берилади. Бу эса мулкчилик ранг-баранглиги, асосан, хусусий мулк кучайган мамлакатда меҳнат бозорининг эксклюзивлашишига мос буюртмаларни бажаришга хизмат қилади» [9. Б. 134]. Олий таълим трансформацияси билан жамиятда иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти, хусусан, мулкчилик шаклларининг диверсификацияси билан узвий равишда боғлиқ кечиши ҳақида фикр юритилмоқда. Олий таълимга нисбатан неолиберал ёндашув таълим монетизациясининг кучайиши ҳамда таълим бошқарувига прагматик муносабатда бўлишга олиб келмоқда. Шу билан бирга қайд этиш керакки, олий таълим трансформацияси йўналиши нафақат иқтисодий тараққиёт йўлини, балки мамлакат сиёсий тузуми моҳиятини ҳам ўзгартириб юборади. Чунки таълим жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиши, грантлар сони ва ўқитиш тизими натижасида битирувчиларда маълум бир маданиятга хос бўлган дунёқараш шаклланади. Масалан, ECTS моделидаги кредит-модул тизимида шаклланган фанларнинг ва профессор-ўқитувчининг танлаш имконияти ҳамда мустақил таълимга кенг ўрин берилиши либерал-демократик дунёқарашнинг шаклланишига туртки бериши мумкин.

Олий таълим тизимида талаба-ёшлар дунёқараши трансформацияси, хусусан, демократик тафаккурни шакллантириш масалалари профессор Ш.Мадаеванинг тадқиқотларидан жой олган. Олимнинг фикрича: «…олий таълим тизимида ёшларда демократик тафаккур шакллантирили-

шининг мафкуравий дастурларини ишлаб чиқиш лозим». «…олий таълим тизимида эса инсон ҳуқуқлари, демократик тамойиллар ва умуминсоний тараққиёт интеграцияси тамойиларини пухта ўргатувчи дастурлар билан характерланади» [10. Б. 248]. Олий таълим трансформацияси жараёнида миллий менталитетнинг намоён бўлиши, миллий ўзликни сақлаб қолиш учун уриниш ва шу билан бирга ғарб моделини муваффақиятли равишда амалиётга татбиқ этиш, авлодлар ўртасидаги қарама-қаршиликни камайтириш ва уни ижтимоий ларзаларга сабаб бўладиган даражага етказмаслик муаммолари турибди. Шу сабабли олий таълим трансформацияси университетлар ҳаёти ва ундаги таълим жараёни билан чекланиб қолмасдан, бутун жамият ва давлат бошқаруви трансформациясини ҳам тақозо этади. Яъни ғарб моделида кадрлар тайёрлар эканмиз, уларнинг иқтисодиёт тармоқлари ёки давлат бошқарувида ўз фаолиятини бошлаши ва давом эттириши учун маълум бир шарт-шароитларни яратиб бериш зарур.

Олий таълим тизими жамиятнинг ижтимоий институти сифатида қадриятларни яратиш, сақлаш ва кейинги авлодга етказишда муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга маърифий ва илмий қадриятнинг ижтимоий оммалашуви учун маълум бир шароит яратади. Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳит масалаларини чуқур ўрганган олима М.Қаҳҳарова шундай ёзади: «Олий таълим муассасалари ҳудудларида ва талабалар турар жойларида жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий муҳитини ташкил этиш, ривожлантириш ва муттасил сингдириб бориш мақсадида радио ва телемарказ ташкил қилиш, мақсадли эшиттириш ва кўрсатувлар уюштириш лозим.

…Олий таълим тизими ўқув режаларига маънавий-ахлоқий соғлом муҳитни ривожлантириш мақсадида «Касб этикаси», «Маънавий тарбия», «Соғлом муҳит – барқарор жамият» каби ўқув курслари киритиш айни мақсадга мувофиқдир» [11. Б. 249].

Глобаллашувнинг ижтимоий тараққиётга таъсири масалалари билан шуғулланган файласуф олим Ф.Юлдашева «Глобаллашувнинг салбий жиҳатларига қарши тура олиши мумкин бўлган тизим бу – таълим тизимидир. Ривожланаётган давлатлар учун таълим сиёсати муҳим бўлиб, уни глобаллашув талаблари ва миллий эҳтиёжлар асосида амалга оширишлари зарур. Таълим тизими орқали инсон ҳамилмий, ҳам маънавий тарбия олиши, салоҳиятини ривожлантириши ҳамда уни тўғри реализация қила олиш имкониятига эга бўлади» [12.Б. 134]. Глобаллашув таъсирида миллий маданиятнинг йўқолиб кетиши, шубҳасиз, давлатчиликнинг, мустақилликнинг пойдеворига путур етказади. Мазкур жараёнда самарали таълим тизими миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаб қолишда муҳофазакорлик вазифасини бажариши зарур. Лекин ғарб моделига асосланган таълим трансформацияси билан бундай қийин вазифани амалга ошириш мушкулдир. Ҳозирги олий таълим трансформациясининг асосий йўналиши – неолиберализм бўлиб, унда консерватив ғояларга деярли ўрин йўқ.

Файласуф олим К.С.Назеренко ўз тадқиқотида олий таълимнинг Россия тараққиётидаги ўрни масалаларига урғу берар экан, миллий таълим маданиятини инкор этиб, ўзга маданиятлар тарбия моделларини тарбия жараёнига кўр-кўрона татбиқ этиш таълимнинг ижтимоий ворислик функциясига путур етказишини қайд этиб ўтади [13. Б. 135]. Бу ўринда тадқиқотчи Россияда Х асрда бошланган модернизация жараёнига таълимнинг таъсирини идеаллаштириб юборади ва глобализациянинг объектив таъсирини инкор қилишга уринади.

Рус файласуфларидан Л.С.Перевозчико ва олий таълим трансформацияси масалалари билан тизимли шуғулланиб келмоқда. Файласуф аксеологик нуқтаи назардан олий таълимни анъанавий, рационал ва инновацион-либерал парадигмаларга ажратади [14. Б. 88]. Олий таълимнинг қадриятлар тизимидаги ўрни ва унинг ривожланиш йўналишлари ушбу олимнинг бошқа илмий тадқиқотларида ҳам кенг очиб берилган.

Россия Федерациясидаги олий таълим трансформациясини тадқиқ этган В.Жукованинг фикрича, мамлакатдаги олий таълим ислоҳотлари икки йўналишда ривожланиб бормоқда: биринчидан, олий таълимнинг ижтимоий институт сифатидаги функцияси жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар натижасида детерминантлик мақомига алмашинуви; иккинчидан, маъмурий буйруқбозликка асосланган, ўзгаришларни табиийдек кўрсатишга уринадиган, аслида ғарб моделларидан нусха олинган юқоридан ўтказиладиган ислоҳотлар. Натижада эса мамлакат олий таълим тизими «икки стулда ўтирибди» ва имитация билан шуғулланмоқда, деб ёзади олим [15. Б. 87]. Олий таълим тизимидаги ислоҳотлар мураккаб ва ўзига хос. Муаммо шундаки, замонавий ижтимоий тараққиётда олий таълим маълум бир маънода детерминант вазифасини бажаргани маълум. Бу эса ижтимоий тизимда олий таълим субъектларининг ўзига хос элита бўлишига олиб келган. Прогрессив характерга эга бўлмаса-да, элита доимо мавжуд ўзгаришларга қаршилик кўрсатиши ва мавжуд мақомини сақлаб қолишга интилиши мумкин. Бу эса олий таълим тизимидаги трансформация жараёнига путур етказади.

Таълимнинг аҳамияти ҳақида Френсис Бэкон айтади: «Билим – кучдир». Буни замонавий

тилга ўгирса бўлади. Ижтимоий борлиғимизда «Билим бу – ўзгаришлардир ва билимларнинг ўзлаштирилиши технологияларнинг буюк двигателини тўйинтириб, ўзгаришларни тезлаштириб юборади» [16. Б. 45]. Ғарбдаги таълим парадигмасининг яшовчанлиги ва муваффақиятининг энг муҳим жиҳати ҳам олий таълимга ўзгаришларнинг манбаларидан бири сифатида қаралади. Сўнгги йилларда олий таълимнинг инсон капиталини ривожлантиришдаги детерминантлигини шубҳа остига қўядиган, таълимнинг бошқа шакллари ҳам ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги концепциялар пайдо бўлди. Замонавий файласуф олим Ю.Хараринг фикрича: «У ер – бу ерда одамлар янги технологияларни ишлаб чиқишди, лекин уларни одатда илмий тадқиқотлар олиб борадиган олимлар эмас, балки синов ва хатоларга асосланган ҳолда маълумотсиз ҳунармандлар яратдилар» [17]. Олим либерализмнинг олий таълимдаги мафкура даражасига кўтарилишини танқид қилиб қуйидагиларни ёзади: «Либерал мактаб ва университетларда талабалар ўзлари мустақил фикрга эга бўлишга ўргатилади. Тижоратчилар «фақатгина татиб кўр» деган шиор билан ҳаракатланишади. Жангари кинолар, саҳна драмалари, сериаллар, романлар ва жозибадор поп қўшиқлар доим бизга қуйидагиларни таъкидлаб келади: «Ўзлигингча қол», «Ўзингни эшит», «Юрагингга қулоқ сол» каби» [17]. Олий таълимга либерал ёндашув, айниқса, асосий мақсад таълимнинг моддий бойлик яратишга қаратилиши, жамоадаги кучли рақобат ҳамда локал хоҳиш-истакларнинг устувор бўлиши қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу, айниқса, йирик иқтисодий қудратга эга бўлмаган жамиятларни фақат арзон ишчи кучи ёки малакали мутахассис тайёрловчи базага айлантириб қўйишига олиб келиши мумкин.

С.Хантингтонинг қарама-қаршиликларга тўла изланишларида олий таълим трансформациясига ўзгача ёндашув кузатилади. «Ғарб мустамлакаларида ҳам, Хитой ва Япония каби мустақил мамлакатларда ҳам «биринчи модернизация» ёки «постмустақиллик» авлоди кўпинча хорижий (ғарб) университетларда ғарбий космополит тилидан дарс олишди. Қисман улар биринчи тажрибага эга ўспирин сифатида чет элга чиқишганлиги сабабли, уларнинг Ғарб қадриятлари ва турмуш тарзини ўзлаштириши жуда фойдали бўлиши мумкин. Иккинчи катта авлоднинг аксарияти, аксинча, ўз таълимларини биринчи авлод томонидан яратилган университетларда олади ва таълим бериш учун мустамлака тилидан кўра маҳаллий тилдан кўпроқ фойдаланилмоқда [18]. Цивилизацион тўқнашув нуқтаи назаридан ҳозирги вестернизация маълум бир давргача давом этади, холос. Яъни, кейинчалик Ғарб маданиятининг таркибий қисми бўлган чет эл университетларининг ўқитиш модели инкор этилиши, миллий шаклдаги олийгоҳлар тизими вужудга келиши ҳам мумкин.

«Биз олий таълимнинг маърифий мақсадларига эътибор қаратишимиз керак. Бу олий таълимнинг трансформацион табиатини аниқроқ тушуниб олишга ёрдам беради» [19], деб ёзади Глобал олий таълим маркази (CGHE) тадқиқотчиси П.Элвин. Университетлар фаолиятига трансформацион ёндашув, асосий эътиборни таълим хизматлари маркетингига қаратиш олий таълимнинг муҳим йўналиши – маърифат тарқатишга халақит бераётгани сезилиб қолмоқда. Forbes журналининг маълум қилишича, Америка Қўшма Штатларида тўрт йиллик бакалавриатда ўқиш 1986 йилда 26 902 долларни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 104 480 долларни ташкил этди. Бу эса мос равишда шартнома нархи ҳар йили 2,6 фоизга ўсганини кўрсатиб турибди. Ана шу муддатда профессор-ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 0,3 фоизга ўсган, холос [20]. Шу билан бирга 2019 йил бошига келиб талабаларнинг ўқиш учун олган кредитларидан ўтиб кетган қарздорлиги 1,4 трлн долларга етган [21]. Ҳаддан ортиқ монетизация олий таълимнинг муқобил вариантларининг кенг оммалашувига сабаб бўлмоқда. Жумладан, интернет тармоғида ҳозирги кунда минглаб бепул таълим платформалари мавжуд бўлиб, уларда моддий сарф-харажатларсиз сифатли билим олиш мумкин.

Қайд этиб ўтилганлардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистонда олий таълим трансформацияси жадаллик билан амалга оширилмоқда ва бу жараённи илмий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати мавжуд;

иккинчидан, Ўзбекистондаги олий таълим трансформацияси ғарб таълим моделларини миллий даражада амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ равишда кечмоқда;

учинчидан, мамлакатдаги олий таълим трансформацияси келгусида давлат ва жамият ҳаётининг трансформациясига хамиртуруш вазифасини ўтайди ва қайси моделлар ҳаётга татбиқ этилаётган бўлса, ўша моделдаги жамият қурилиши эҳтимоли вужудга келади;

тўртинчидан, Ўзбекистонда олий таълим трансформацияси жараёнида неолиберализмнинг айрим элементлари устуворлик қилмоқда ва жараён динамик характерга эга.

## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. URL: https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020 (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. URL: https://lex.uz/docs/4751561(Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

3. Биринчи ўзбек профессори, биринчи археолог, биринчи матбаачи ва ноширн, биринчи адвокати ҳақида... URL: http://uza.uz/oz/society/birinchi-zbek-professori-birinchi-arkheolog-birinchi-matbaach-23-08-2019 (Мурожаат этилган сана: 13.05.2020.)

4. Statement on the third meeting of the International Health Regulations Emergency Committee regarding the outbreak of coronavirus disease (COVID-19). URL: https://www.who.int/news-room/detail/01-05-2020-statement-on-the-third-meeting-of-the-international-health-regulations-(2005)-emergency-committee-regarding-the-outbreak-of-coronavirus-disease-(covid-19) (Мурожаат этилган сана: 13.05.2020.)

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 606 б.

6. *Cambridge Core.*URL: https://www.cambridge.org/core/what-we-publish/textbooks (Мурожаат этилган сана: 14.05.2020.)

7. Толковый словарь русского языка. Современная версия. Т.1 / Даль В.И. Изд. 3-е. – Москва: ЭКСМО-ПРЕСС, 1999. – 735 с.

8. Online Etymology Dictionary.URL: https://www.etymonline.com/word/educate. (Мурожаат этилган сана: 14.05.2020.)

9. *Лутфуллаев П.М*. Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш йўли: педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc). ...дисс.. – Наманган, 2018. – 145 б.

10. *Мадаева Ш*. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари: фалсафа фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2009. – 261 б.

11. *Қаҳҳорова М*. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар: фалсафа фанлари доктори ...дисс.– Тошкент, 2012. – 280 б.

12. *Юлдашева Ф*. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари: фалсафа фанлари доктори ...дисс. – Тошкент, 2019. – 226 б.

13. *Назаренко К.С*. Социально-философский анализ модернизации современного российского ввысшего образования а контексте цивилизационного процесса. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. Воронеж, 2017. – 146 с.

14. *Перевозчикова Л.С*. Аксиологические основания оброзовательной парадигмы // Вестник РУДН, серия Философия. 2008. – № 4. –С. 88 – 89.

15. *Калюжина К*.Проблемы современного высшего оброзования: философский анализ // Вестник КГУ. Курган, 2017. – № 1. –С. 87– 89.

16. *Тоффлер Э.* Шок будущего: Перевод с английского: Е. Руднева. – Москва: «Издательство АСТ», 2002. – 557 с.

17. *Ҳарари Ю*. Инсониятнинг қисқача тарихи. URL: https://t.me/nurbekalimov/719 (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

18. *Хантингтон С.* Цивилизациялар тўқнашуви. URL: https://t.me/c/1463444525/39 (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

19. *Ashwin P.* Higher education is about transformation https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20190408084550435 (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

20. *Maldonado C*. Price Of College Increasing Almost 8 Times Faster Than Wages. URL: https://www.forbes.com/sites/camilomaldonado/2018/07/24/price-of-college-increasing-almost-8-times-faster-than-wages/#3b428af666c1 (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

21. *Гридин И.* Американцы накопили беспрецедентные долги по кредитам. По ипотеке побит рекорд 2008 года URL: https://newdaynews.ru/inworld/669403.html (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020.)

# STUDY OF SOME THEORETICAL PROBLEMS OF HIGHER EDUCATION TRANSFORMATION

**A.A.Egamberdiev[1]**

*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 17 – 24.*
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

***Keywords:*** *higher education, transformation, development, neoliberalism, conservatism, mentality, monetization.*

Transformation of higher education in Uzbekistan has been identified as a priority of state policy. The process of reforming higher education is very complex. Reason for that,the main factors influencing it,is the need of society and the state for highly qualified personnel, the geopolitical position of the state and the degree of closeness of relations with major powers of the world.

The article analyzes the formation of education as a social institution, different interpretations of this concept in various languages, and consequently, differences in its content.

The works of national scholars in the field of higher education and its transformation is analyzed in the article. Moreover the process of understanding national identity and globalization are cited as a driving force for change. The researcher believes that the transformation of higher education is not limited to the life of universities and the educational process in it, but also requires the transformation of society and public administration in general. It means that when we train personnel according to the Western model, it needs to create certain conditions for them to start and continue their activities in the sectors of the economy or public administration.

The disappearance of national culture under the influence of globalization will undoubtedly undermine the foundations of statehood and independence. In this process, an effective education system must play a protective role in preserving the spiritual image of the nation. It is complicated to accomplish such a difficult task, transformation of education based on the Western model. The main direction of the current transformation of higher education is neoliberalism, in which conservative ideas have almost no place.

A number of studies on the transformation of higher education have also been carried out in the West. A liberal approach to higher education can have a number of negative consequences, especially if the main goal is education for wealth creation, strong competition in the society and the predominance of local aspirations. This can lead to the transformation of societies, especially those without large economic power, into a base that only trains cheap labor or skilled professionals.

From the above it can be concluded that:

Firstly, the transformation of higher education in Uzbekistan is taking place rapidly, and there is a need for scientific research of this process;

Secondly, the transformation of higher education in Uzbekistan is proceeding in connection with the implementation of Western models of education at the national level;

Thirdly, the transformation of higher education in the country will serve as a leaven for the transformation of the life of the state and society in the future, and there is a possibility of building a society according to the same model in which substances are applied to life;

Fourthly, some elements of neoliberalism prevailin the process of transformation of higher education in Uzbekistan and this process is dynamic.

## References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020) [President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev’s appeal to the Oliy Majlis]. [Online]. URL: https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020 (Date of access: 28.05.2020.)

2.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 2 martdagi PF-5953-son Farmoni.(2020) 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini ‘Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili’da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan №PF-5953 dated March 2, 2020. (2020) On the State Program for the implementation of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 in the ‘Year of Science, Enlightenment and Digital Economy Development’]. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/4751561 (Date of access: 28.05.2020.)

3. Birinchi o‘zbek professori, birinchi arxeolog, birinchi matbaachi va noshiri, birinchi advokati haqida... (2019) [About the first Uzbek professor, the first archeologist, the first printer and publisher, the first lawyer]. [Online]. URL: http://uza.uz/oz/society/birinchi-zbek-professori-birinchi-arkheolog-birinchi-matbaach-23-08-2019 (Date of access: 13.05.2020.)

4. Statement on the third meeting of the International Health Regulations Emergency Committee regarding the outbreak of coronavirus disease (COVID-19). [Online]. URL: https://www.who.int/news-room/detail/01-05-2020-statement-on-the-third-meeting-of-the-international-health-regulations-(2005)-emergency-committee-regarding-the-outbreak-of-coronavirus-disease-(covid-19) (Date of access: 23.05.2020.)

5. Madvaliev, A. (ed). (2008) *O‘zbek tilining izohli lug‘ati.T-harfi* [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 4-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy enciklopediyasi.

6. Cambridge Core. [Online]. URL: https://www.cambridge.org/core/what-we-publish/textbooks (Date of access: 14.05.2020.)

7. Даль, В.И. (ed.) (1999) *Tol’kovyj slovar’ velikorusskogo yazyka* [Explanatory dictionary of the Great Russian language].1th Moscow:EKSMO-PRESS.

8. Online Etymology Dictionary. URL: https://www.etymonline.com/word/educate. (Date of acces: 14.05.2020.)

9. Lutfullaev, P.M. (2018) Xorijiy oliy ta’lim muassasalarida sifat va raqobatbardoshlikni ta’minlash yo‘li [Ways to ensure quality and competitiveness in foreign higher education institutions]. Dissertation of the doctor of science (DSc) in pedagogical sciences. Namangan.

10. Madaeva, Sh. (2009) O‘zbek mentalitetida demokratik tafakkurning shakllanish xususiyatlari: [Features of the formation of democratic thinking in the Uzbek mentality]. Dissertation for the degree of Doctor of Sciences in Philosophy.Tashkent.

11. Qahhorova, M. (2012) Jamiyatda ma’naviy-axlohiy muhit: muammo va echimlar [Spiritual and moral environment in society; problems and solutions]. Dissertation for the degree of Doctor of Science in Philosophy. Tashkent.

12. Yuldasheva, F. (2019) O‘zbekistonda globallashuv sharoitida ma’naviy yangilanishning o‘ziga xos xususiyatlari [Peculiarities of spiritual renewal in the context of globalization in Uzbekistan]. Dissertation for the degree of Doctor of Sciences in Philosophy.Tashkent.

13. Nazarenko, K.S. (2017) Social’no-filosofskij analiz modernizacii sovremennogo rossijskogo vvysshego obrazovaniya a kontekste civilizacionnogo processa [Socio-philosophical analysis of the modernization of modern Russian higher education in the context of the civilization process]. Dissertation for the degree of candidate of philosophical sciences. Voronezh.

14. Perevozchikova, L.S.(2008) Aksiologicheskie osnovaniya obrozovatel’noj paradigmy [Axiological foundations of the educational paradigm]. Vestnik RUDN, seriya Filosofiya. No 4. Pp. 88-89.

15. Kalyuzhina, K.(2017) Problemy sovremennogo vysshego obrozovaniya: filosofskij analiz [Problems of modern higher education: philosophical analysis].Vestnik KGU. Kurgan. No 1. Pp. 87-89.

16. Toffler, E. (2002) Shok budushchego [Shock of the Future]. Translated from English: E.Rudneva. Moscow: «Izdatel’stvo ACT».

17. Harari Yu. (2020) Insoniyatning qisqacha tarixi [A brief history of mankind].URL: https://t.me/nurbekalimov/719 (Date of access: 18.05.2020.)

18. Xantington, S. (2020) Sivilizatsiyalar to‘qnashuvi. [Clash of Civilizations]. [Online]. URL: https://t.me/c/1463444525/39 (Date of access: 28.05.2019.)

19. Ashwin, P.(2020) Higher education is about transformation. [Online]. URL: https://www.universityworldnews.com/post.php?story= 20190408084550435 (Date of access: 28.05.2020.)

20. Maldonado,C.(2020) Price Of College Increasing almost 8 Times Faster Than Wages. [Online]. URL: https://www.forbes.com/sites/camilomaldonado/2018/07/24/price-of-college-increasing-almost-8-times-faster-than-wages/#3b428af666c1(Date of access: 8.05.2020.)

21. Gridin,I. (2008) Amerikancy nakopili besprecedentnye dolgi po kreditam. Po ipoteke pobit rekord 2008 goda [The Americans have accumulated unprecedented loan debt. The 2008 record was broken for mortgages]. [Online]. URL: https://newdaynews.ru/inworld/669403.html (Date of access: 28.05.2020.)

*Муаллиф ҳақида маълумот:*

**ЭГАМБЕРДИЕВ Азизбек Абдумаликович** – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Андижон давлат университети фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: aziz_botir@mail.ru